



2019 у.г. «21» февраль

№ 306-қ Каттақўрғон ш. – г. Каттакурган

Каттакўрғон шаҳар А.Навоий кўчаси атрофидан Самарқанд вилоят Адлия бошқармасига Каттакўрғон шаҳар адлия бўлими ва давлат нотариал идораси маъмурий биносини қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПФ-5415-сонли “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда Адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва 2018 йил 13 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3666-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Самарқанд вилоят Адлия бошқармасига шаҳар Адлия бўлими маъмурий биноси қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисидаги шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси, Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг янги бино қуриши учун ер майдони ажратиш бериш тўғрисидаги шаҳар ҳокимлигига берган хати ҳамда ишчи гуруҳ томонидан ер танлаш далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 23-моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг далолатномаси тасдиқлансин.

2. Каттакўрғон шаҳар А.Навоий кўчаси атрофидан Самарқанд вилоят Адлия бошқармасига Каттакўрғон шаҳар адлия бўлими ва давлат нотариал идораси маъмурий биносини қуриш учун 0,08 га ер майдони ажратилсин.

3. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан:

- шаҳар бош архитектори (Ж.Салохутдинов)га Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг 8, 39 ва 54-моддаларига амал қилган ҳолда А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиш назорат экспертизаси рўйхатидан ўтказиш;

- шаҳар Давлат солиқ инспекцияси (С.Рустамов)га Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига асосан ер солиғини ундириш;

- Шаҳар бош архитектори (Ж.Салохутдинов), Самарқанд вилоят “Ермулккадастр” ДКнинг Каттакўрғон шаҳар филиали (У.Туропов)га ер балансига ўзгартириш киритиш вазифаси юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимлигидан сўралсин.

5. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари Д.Рахмонов зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими

М.Хашимов